

Ғ. М. ҚОСИМОВ

МЕНЕЖМЕНТ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги университетлар ва олий техника
ўқув юртлари талабалари учун дарслик
сифатида тавсия этган*

ТОШКЕНТ — «ЎЗБЕКИСТОН» — 2002

Тақризчилар: **Ш. Н. ЗАЙНУТДИНОВ**, иқтисод фанлари доктори, профессор, Республикада хизмат кўрсатган иқтисодчи;

Ж. Т. РЎЗИЕВ, иқтисод фанлари доктори, профессор, Россия Федерацияси транспорт академиясининг академиги.

Қосимов Ф.М

Қ61 Менежмент: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик.
Т.: Ўзбекистон, 2002. — 312 бет.

ISBN 5-640-03121-2

Мазкур дарсликда менежментнинг умумий тавсифи ва услубий асослари, ривожланиши ва инфратузилмаси, ижтимоий омиллар ва ахлоқ, фирманинг стратегияси ва уни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш жараёни ва лойиҳаларни бошқариш, менежмент тизимидаги ташкилотларнинг турлари, бошқаришда ахборот алмашиш, қарор қабул қилиш ва уни андозалаш, ташкилотни бошқаришда мансаб ва таъсир этиш, менежментнинг одати ва нуфузи, ташкилотда келишмовчиликларни бошқариш, мойиллик фаолияти кабилар ўз ифодасини топган. Шунингдек, унда менежмент вазифаларининг табиати ва таркиби, менежмент тизимида устувор режалаштириш, фаолиятни тартибга солиш ва назорат қилиш, гуруҳларнинг ўзгариши ва раҳнамолик, меҳнат ресурсларини бошқариш, самарали бошқариш ва ишлаб чиқариш самарадорлигининг умумий ўсишини таъминлаш асосларига ҳам алоҳида ўрин берилган.

Дарслик Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг «Менежмент» (тармоқ бўйича) йўналишидаги талабалари ва ўқитувчиларига мўлжалланган. Раҳбарлик ва менежерликка қизиқувчилар ҳам ундан фойдаланишлари мумкин.

ББК 65.05—73я

Қ **0601000000—59** 2002
М351(04)2002

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 2002 й.

МУҚАДДИМА

Менежментнинг ривожланиши инсоннинг биринчи бор онгли меҳнатининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Умумий ишларни бажаришда одамлар фаолиятини келиштириш ва мувофиқлаштириш, ҳаракатлари кетма-кетлигини ташкил этиш зарурлиги бошқарув ечимларини талаб этди. Оқибатда, умумий тушунчалар, тамойиллар, тавсиялар ишлаб чиқишга амалий зарурат пайдо бўлди. Қадим ўтмишда шаклланган мураккаб ташкилотлар, фабрикалар менежментнинг нақадар мураккаб ҳодисалар, жараёнлар, ташкилий бошқариш қисмлари, тизимлар ва муносабатлардан иборат эканлигидан далолат беради.

Менежмент назарияси ва амалиётига муносиб ҳисса қўшган Абу Наср Форобий (873—950), Абу Али ибн Сино (980—1037), Амир Темур ибн Тарағай баҳодир (1336—1405), Мирзо Улуғбек Муҳаммад Тарағай (1394—1449), Алишер Навоий (1441—1501), Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1483—1530), Адам Смит (Англия, 1776), Фредерик У Тейлор (АҚШ, 1910), Ф. Кенэ (Франция, 1958) каби алломалар рўйхати кенгдир.

XX аср охирига келиб собиқ Иттифоқ тарқалиб кетиши билан ЎзР жамияти ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан иқтисодий ва бошқарув муносабатларида бениҳоя катта ўзгаришлар бўлди. Чунки республикамиз мустақил давлат сифатида ҳар томонлама такомиллашди ва камол топмоқда. Мамлакатимизнинг маънавий ва мафкуравий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётида ташкилотлар, фирмалар, турли уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва уларнинг ресурсларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Ҳар бир ташкилот ёки фирманинг бошқарув ходими, мутахассиси, ижрочиси илғор тажриба ва фан-техника ютуқларидан, ижтимоий ва иқтисодий омиллардан, техноло-

гик ва бошқарув ютуқларидан ақл-идрокка асосланган ҳолда фойдаланиши мақсадга мувофиқ.

Замонавий менежмент бу касбий фаолият соҳаси, таълим фанларининг бирдан-бир асосийсидир.

Менежмент фани муайян иқтисодий, илмий фанлар — миллий хўжаликни ташкил этиш ва режалаштиришнинг иқтисодий-математик усуллари, ЭҲТ, психология, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт назарияси, маркетинг каби фанлар билан узвий боғлиқдир. Шу сабабли касбий фаолият хўжалик юритишнинг барча поғоналаридаги бошқаришнинг қонунлари, тамойиллари, ташкилий тузилмалари ва муносабатларини ўрганиб, уларни амалда оқилона қўллай билишни талаб этади.

Мазкур дарслик 22 бобдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўта мураккаб, кўп қиррали муносабатлар ва ҳодисалар, жараёнлар ва тизимларга бағишланади.

Дарсликнинг биринчи ва иккинчи боблари ташкилот ва менежмент, ташкилот ичидаги бошқариш нуқтаи назари, менежмент ва ташкилотнинг ташқи қуршови, ташкилотни бошқариш жараёни ва уни амалга ошириш, менежер, стратегик хусусийлаштириш, ЎзРнинг ташкилотлари ва фирмаларининг ташкилий ҳуқуқий шакллари, муносабат ва тизим, ташкилот салоҳиятида ходимнинг родини ёритишга қаратилган.

Дарсликнинг учинчи ва тўртинчи бобларида бошқариш ҳақидаги «бир ўлчамли» ва «синтетик» таълимлар, ташкилотни стратегик бошқаришнинг моҳияти ва мазмуни, ташкилотни стратегик бошқариш, ташкилотнинг ички ва ташқи муҳитларини таҳлил қилишга оид фикр ва мулоҳазалар келтирилган.

Дарсликнинг бешинчи ва олтинчи бобларида ижтимоий омиллар, ижтимоий-техник ёндашиш, жамиятда бизнеснинг ўрни, амалиётда ижтимоий масъулият, маънавият ва маърифат, ахлоқ ва замонавий бошқариш, бизнеснинг стратегик турлари, фирма стратегиясини ишлаб чиқиш, стратегиянинг бажарилишига оид асослар баён этилган.

Дарсликнинг еттинчи ва саккизинчи боблари ташкилотни бошқариш вазифалари, ишни лойиҳалаш ва унинг

андозаси, ташкилотни тузишдаги ўзаро таъсирлар ва ваколатлар, ташкилотни қуриш, ишлаб чиқаришни тезкор бошқариш, маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириш, захирадаги материалларни бошқариш, лойиҳаларни бошқариш ва унинг усуллари, ишлаб чиқаришни бошқаришда сифатни таъминлашга бағишланади.

Дарсликнинг тўққизинчи ва ўнинчи бобларида ташқи муҳит билан ўзаро муносабат бўйича ташкилотларнинг турлари, бўлинмаларнинг ўзаро муносабатлари бўйича ташкилотларнинг тури, кишилар билан ўзаро муносабатлар бўйича турлари, ташкилот турларида янги эра, ахборот алмашиш ҳақида тушунча, ахборот алмашиш жараёни, тармоқлари, одатлари ва сўздан бошқа символ билан ахборот алмашиш саволлари баён этилган.

Дарсликнинг ўн биринчи ва ўн иккинчи боблари ечим қабул қилишнинг умумий тушунчаси, ечим қабул қилиш жараёнининг табиати ва муаммоларни оқилона ечиш, тезкор ечим қабул қилиш, ечим қабул қилишни андозалаш, башоратлаш усуллари қаратилган.

Дарсликнинг ўн учинчи ва ўн тўртинчи бобларида ташкилотни бошқаришда мансаб ва таъсир этиш, менежментнинг одати ва нуфузи кўрилган.

Ўн бешинчи ва ўн олтинчи бобларда ташкилотда келишмовчиликларнинг турлари, даражалари, тузилмалари бошқариш усуллари ва уларни бартараф қилиш, ташкилотда ташкилий ўзгаришлар, ривожланишлар ва уларни бошқариш, руҳий зарбанинг табиати, менежмент вазифаларининг табиати ва таркиби бўйича тавсиялар изоҳланган.

Ўн еттинчи ва ўн саккизинчи бобларда менежмент тизимида устувор режалаштириш, устувор муқобилларни ўрганиш, устувор режани амалга ошириш ва унинг бажарилишини назорат қилиш, тактик режалаштириш, мойиллик фаолияти ҳақида, мойиллик мазмуни ва жараёнининг назарияларига жавоблар топиш мумкин.

Ўн тўққизинчи ва йигирманчи бобларда менежмент тизимида фаолиятни тартибга солиш ва назорат қилиш, жамоа гуруҳларининг ўзгариши ва раҳнамолик ҳақидаги саволларга жавоб берилган.